



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (13.488)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни ва фермер хўжаликлари фаолиятини, уларнинг ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишини иқтисодий рағбатлантириш, шунингдек, валюта бозорини янада либераллаштириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 августидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ экспорт қилувчи хўжалик субъектларига маҳсулотлар

(ишлар, хизматлар) экспорт қилишдан валюта тушумларининг 25 фоизини мажбурий солиш бўйича талаб бекор қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки: 2017 йилнинг 1 августигача бўлган муддатда республикамиз ваколатли тижорат банклари ва экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, фермер хўжаликлари ўртасида ушбу қарор билан ўрнатилган тартибни амалга ошириш механизми бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Марказий банк раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол гоёсининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанимиз тақдир ва келажиги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшадиган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаси тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қўйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизминини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқдосини кенгайтириш, тизимда фаолият қўрсатаётган соҳа ҳодимларининг билим ва малакасини изчил ошириш бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизда Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда – Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказ фаолиятини ташкил этишда қуйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин: мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар,

мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат "Маърифат" тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашуви жорий этиш;

маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик қўнимчасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

маҳаллаларда уюшадиган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия аълоларини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгиланган йўналишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиладилар.

4. Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши инобатга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 1-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Марказ раҳбарига унинг тузилмасига ҳодимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС- ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаб ўтилсинки, сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришлар, уни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида "Ангрен" эркин-иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Ўқилги-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа тармоқларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашё асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давом этирилмоқда.

Саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалга таътиб қилиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширишда самарадорлигини таъминлаш ва юқори оширилган қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича белгиланган вазифалар илгор халқаро тажрибалар асосида юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб этади.

Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Исрол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали (кейинги ўринларда – Филиал деб аталади) ташкил этилсин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш; фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасидаги халқаро уюшмаларни ўрганиш асосида фойдаланиш қазималарини қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги маҳаллий илмий ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;

Фойдаланиш қазималарини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги илгор техно-

логияларни ишлаб чиқиш, уларни республиканинг геологик ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда амалиётга таътиб қилиш;

тоғ-кон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, уларни энг замонавий халқаро фан ва технологиялар ютуқлари асосида қайта тайёрлаш;

энг илгор хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан кенг ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Исрол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалнинг таркибий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Исрол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалнинг тасдиқланган таркибий тузилмасига ҳодимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Филиал Исрол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг юридик шахс мақомидаги таркибий тузилмаси ҳисобланиб, кундузги, махсус сиртки ва кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни амалга оширадди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 1 сентябрда:

Филиал Устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан, шу жумладан, фаолияти тугатилаётган Навоий давлат кончилиқ институтининг Олмалиқ факультети профессор-ўқитувчилари ҳисобидан таъминлаш чораларини қўрсин;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадалли ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув адабиётлари, замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мусика ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини таътиб этиш, ёшларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний қўбилиятларини ривожлантириш борасида таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш йўналишларида қатор долзарб масалалар мавжуд.

Тошкент вилояти мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартларга мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этиш, янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Иқтисодиёт ва Молия вазир-

ликларининг таклифларига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги таркибига Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этилсин.

2. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун юқори малакали ўқитувчиларни талаб даражасида имунитетли тайёрлашни таъминлаш; педагогик таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илгор хорижий педагогик технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шугулланишга кенг жалб этиш;

юртимизнинг педагогика фани бўйича қадимдан ривожланиб келган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари талаба-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли йўналишлар ҳамда мутахассислар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига ёш истиқболли битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Институт илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси "Ёшлар – келажак бунёдкори" деб номланди.

● Хоразм вилояти божхона бошқармасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Хоразм вилояти ҳудудий комиссияси билан ҳамкорликда "Давлат хизматида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишни таъминлашнинг долзарб вазифалари" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Анжуман доираси-

да ҳодимларни бурчига содиқлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида жиноят ҳамда турли қонунбузарликлар содир этилишининг олдини олиш борасида тарбиявий, тушунтириш ва профилактик тадбирларни янада кучайтириш юзасидан тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

● Марғилон шаҳрида "Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувининг ўрни ва долзарб муаммолар ечими" мавзусида халқаро илмий-техникавий анжуман бўлиб ўтди.

● Фарғонада "Энг яхши ахборот-кутубхона маркази – 2017" танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг мамлакат босқичида 14 жамоа турли шартлар бўйича баҳслашди. Унда ҳодимларнинг ишга ижодий ёндашуви, ахборот-кутубхона фаолияти, ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш соҳасида инновацион лойиҳа ишлаб чиқиш, мутолаа маданияти, китобхонлиқни тарғиб

этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг Ақита префектурасида юз берган рекорд даражадаги ёғингарчилик салкам 500 унли сув остида қолдири. ННК телеканали хабарига кўра, сув тошқинлари оқибатида 10 минглаб одам бошқа жойларга кўчирилган.

● Хитойнинг Сичуань музофотидаги Чунцин шаҳрида дунёдаги энг мураккаб транспорт йўли барпо этилди. 2009 йилда қурилиши бошланиб, яқинда ўз ниҳоясига етказилган ушбу йўл 8 йўналиш, 5 босқич ва 20 та осма кўприкдан иборат. Маҳаллий ҳокимият вакиллари унинг сўзларига қараганда, мазкур йўл автомобиль ҳайдовчиларида тўғри йўналиш танлаш билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо тўғдирмайди. Яъни, йўлда барча йўналишнинг аниқ акс эттирадиган навигацион тизимлар сировдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Қуйидагилар:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зарур ҳолларда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган нормативларига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг факультет ва кафедралари босқичма-босқич талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибига мувофиқ ўрнатилган тартибда шакллантириб берилсин.

4. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2017/2018 ўқув йили учун қабул квоталари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2017/2018 ўқув йили учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг талабалари контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эхтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантирсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун талабалар ўқишга амалдаги базавий тўлов-контракт миқдори бўйича тасдиқланган квота доирасида қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасалари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятидаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, педагогик кадрлар ва соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларининг илмий-методик базаларини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш;

педагогика соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, вилоят таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни амалга ошириш;

вилоятдаги педагогика соҳасида илмий-услубий ишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб боришни мувофиқлаштириш;

вилоят таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш асосида, педагогика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, вилоятдаги таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини сифатли ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Халқ таълими вазирлигининг таълимига асосланган Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини учун таянч олий таълим муассасаларига докторантурага 2018 йил учун мақсадли квоталар ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2017 йил 1 сентябргача:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини (кейинги ўринларда – Институт) устави тасдиқлаб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Институт томонидан тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказсин;

республика таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали ходимлари, жумладан, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркибидан ўрнатилган тартибда Институтни юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин; Институт таълим йўналишлари ўқув режаларига

мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Институт учун зарур педагог кадрларни жалб қилиш учун соатбай асосида ҳақ тўлаш ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент кимё-технология институтини қўшидаги Чирчиқ академик лицейига тегишли Чирчиқ шаҳар, Истикбол кўчаси, 2"А"-уй ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежига тегишли Чирчиқ шаҳар, Амир Темури кўчаси, 104-уйда жойлашган бинолари ва иншоотлари ҳудудлари билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент кимё-технология институтини қўшидаги Чирчиқ академик лицейи ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг 2 ва 3-курс ўқувчилари битиргунларига қадар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг биноларида ижара тўловисиз жойлашади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари ва илмий марказларида 2018 йилдан бошлаб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббий муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини сақлаш харажатлари 2017 йилда "Маориф" соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

13. Қуйидагилар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жиҳмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат, 1 та махсус енгил автотранспорт воситаси сақлашга лимит ажратсин.

16. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига Тошкент шаҳридан қатнаб ишловчи профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодимларга бориш-келиш учун тегишли шaroитлар ташкил этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўшбу қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини кенг жорий этиш, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими самарадорлигини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шaroитлар яратишда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, олий маълумотли мутахассисларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб

ва эҳтиёжлари, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда тайёрлаш тақозо этилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Мехрибонлик уйи, 31 та болалар мусика ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошлангич

синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари, тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш, моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун 750 та қабул квоталари ажратилиб, Институтга талабалар контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул

қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантириш белгиланган. Бунда талабаларни ўқитишнинг амалдаги базавий (оширилмаган) тўлов-контракт миқдори асосида тасдиқланган квота доирасида қабул қилиш амалга оширилади.

Мазкур қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасаси ҳамда вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаши ташкил қилиш ва унинг асосий вазифалари белгиланмоқда.

Институт учун 2018 йилда таянч олий таълим муассасаларида докторантурага мақсадли квоталар ажратиш, устави ва штат жадвалларини тасдиқлаш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва фанларни

ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш, шунингдек, объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилмоқда.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўриш топширилган.

Ўшбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилояти туманлари ва қишлоқларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашнинг жойларда ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг олий таълим билан қамрови даражасини ошириш имкониятини яратишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА
СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ раҳбари мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш шарт-шaroитларига кўра – вазирга, Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари – тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган иш ҳақи, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказ ҳамда "Тафаккур"

ва "Маънавий ҳаёт" журналлари тахририятини жойлаштириш учун бино ажратиш бўйича таклиф киритсин.

9. Марказ бир ой муддатда ўз Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: ўшбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Марказга 5 та автотранспорт воситасини, жумладан, 3 та хизмат кўрсатадиган, 1 та навбатчи ва 1 та махсус автобусни сақлаб туриш учун ҳамда Марказнинг ҳудудий бўлимларига жами 14 та хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситасини сақлаб туриш учун лимит ажратсин.

11. Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан бир

галикда икки ой муддатда Марказ, ҳудудий бўлимлар ва бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти лекторлари фаолиятини молиялаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказни зарур телекоммуникациялар, интернет ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси, жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

14. Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари икки ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмаларини белгиланган тартибда зарур хизмат хоналари, мебель жамланмалари, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва ин-

тернет тармоқлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ПҚ-451-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Республика Маънавият ва маърифат маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, Р.Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН
МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатиш, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган тушумлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;
халқаро молия ташкилотларининг грантлари;
қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2017/2018 ўқув йили учун Филиалнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул ўқитиш шакллари бўйича қуйидагича:

кундузги бўлимга Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультетига 2017/2018 ўқув йили учун белгиланган квота ҳисобидан;

махсус сиртки ва кечки бўлимларга 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

2017/2018 ўқув йилида Филиалнинг махсус сиртки ва кечки бўлимларига мақсадли қабул ўрта махсус, касб-хунар маълумоти, камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган ҳамда "Олмалиқ КМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбекқўмир" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг йўлланмаси берилган кадрлар ҳисобидан суҳбат асосида амалга оширилади;

суҳбат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва "Олмалиқ КМК" АЖ томонидан тасдиқланадиган Махсус комиссия томонидан ўтказилади;

махсус сиртки ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилинганда ўқишни якунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шарти билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат ко-

миссиясига Филиалда таълим олиш учун йўлланма берувчи ташкилот ва корхоналар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига "Олмалиқ КМК" АЖ, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбекқўмир" АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим шакллари, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қабул қилинадиган талабалар сони бўйича таклифлар киритиш юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Олий таълим муассасалари махсус сиртки (сиртки) ва кечки бўлимлари тўғрисида Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Навоий КМК" ДК, "Олмалиқ КМК" АЖ ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультети фаолиятини тугатиш;

факультетнинг 2016/2017 ўқув йили бакалавриати 1-3 курс талабалари ўқишини тўрдош ва мос йўналишлар бўйича Навоий давлат кончилик институтига ёки янги ташкил қилинаётган Филиалга кўчириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Белгилансинки, Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультети талабаларни орасидан ўқишни Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий таълим муассасаларида давом эттиришни истаганлар ўқишини кўчириш Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Филиални сақлаш харажатлари 2017 йилда "Маориф" соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса

мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва табибёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратишини назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига: Филиалга иккита, шу жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Навоий давлат кончилик институтининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил харажатлар параметрига ушбу қарор асосида тегишли ўзгартиришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиалнинг буюртманомалари бўйича Филиал ўқув жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассисларга давлат божи тўламасдан кўп мартабали кириш визаларини расмийлаштириш ва узайтириш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун шартнома асосида таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшashi ва транспорт харажатлари учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлашга руҳсат берилсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олмалиқ шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси-

да жойлашган Навоий давлат кончилик институти қошидаги Олмалиқ академик лицейининг бинолари ва иншоотларини Филиалга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

17. "Олмалиқ КМК" АЖга бошқа асосий кадрлар буюртмачилари билан биргаликда Филиалнинг моддий-техник ва лаборатория базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишда кўмаклашиш тавсия этилсин.

18. Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмитаси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ибрагимов Ф.И.) уч ой муддатда амалга оширилган ишлар натижаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июндаги "Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3101-сон қарорининг 3-илоvasи матни 4-иловага мувофиқ тахрирда баён этилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида чўқур таркибий ўзгартиришлар, уни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа тармоқларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашў асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалга татбиқ қилиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдаги самарадорлигини таъминлаш ва юқори оширилган қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича қўйилган вазифалар илғор халқаро тажрибалар асо-

сида юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун олий маълумотли юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни назарда тутди.

Қарор асосида Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети-нинг Олмалиқ филиали ташкил этилиб, у Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва кундузги, махсус сирт-

ки ҳамда кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни амалга оширади.

Қарорда 2017/2018 ўқув йили учун Филиалнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул квоталари белгиланган бўлиб, кундузги бўлимга қабул Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультетига 2017/2018 ўқув йили учун белгиланган квота ҳисобидан амалга оширилади, махсус сиртки ва кечки бўлимларга эса 150 (шу жумладан, махсус сирткига – 75, кечкига – 75) та квота ажратилган.

2017/2018 ўқув йилида Филиалнинг махсус сиртки ва кечки бўлимларига мақсадли қабул факат ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ҳамда камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган, "Олмалиқ КМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбекқўмир" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг йўллан-

маси берилган шахслар қаторидан суҳбат асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Махсус сиртки ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилинганда ўқишни якунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шарти билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тузилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор-ўқитувчиларнинг яшashi ва транспорт харажатлари учун тўловни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлаш ҳуқуқи берилган.

Филиалга Олмалиқ шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Навоий давлат кончилик институти қошидаги Олмалиқ акаде-

мик лицейининг бинолари ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга берилади.

Қарор асосида "Олмалиқ КМК" АЖга бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда Филиалнинг моддий-техник ва лаборатория базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишда кўмаклашиш тавсия этилган.

Шунингдек, ушбу қарор билан Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмита аъзолари тасдиқланган.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилоятининг саноат ишлаб чиқариш тармоқ корхоналари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

ТОШКЕНТ – НЬЮ-ЙОРК – ТОШКЕНТ
ЙЎНАЛИШИДА ИЛК УЗЛУКСИЗ ПАРВОЗ

Ислон Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти 28 июль кунини яна бир тарихий воқеага гувоҳ бўлди. 27 июль кунини пойтахт ҳаво бандаргоҳидан ҳавога кўтарилган Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент йўналишидаги "Boeing-787 Dreamliner" самолёти илк узлуksиз парвозни муваффақиятли амалга ошириб, Тошкентга қайтиб келди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётлари паркиннинг "Boeing-787 Dreamliner" лайнерлари билан тўлдирилиши уни ноёб авиапаркка айлан-тирди. Дунё авиашувлар бозоридagi талаб ва вазиятдан келиб чиқиб, миллий авиакомпания ҳаво флоти узоқ ва кичик йўналишларда бирдек самарали фаолият юритмоқда.

"Орзу лайнери"нинг тижорий эксплуатацияси 2016 йил сентябрь ойидан бошланди. Илк халқаро парвозини Қозғоғистоннинг Олмаота шаҳри билан бошлаган лайнерда бутунги кунда Дубай, Дехли, Амритсар, Истанбул, Тель-Авив, Сеул, Франкфурт, Москва, Куала-Лумпур, Сингапур, шунингдек, Рига оркали Нью-Йоркка авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Утган қисқа даврда учувчиларимиз томонидан замонавий ҳаво кемасини бошқариш борасида тўлланган тажриба халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. "Boeing" корпорацияси томонидан учувчиларимизнинг касб маҳорати ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси лайнерларининг ишончилилик даражаси юқори баҳоляниб, махсус сертификат билан таъминланган фирмизимизнинг исботидир.

Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент йўналишида тўғридан-тўғри парвозларнинг йўлга қўйилиши миллий авиакомпания тараққиётида янги давр бошлангандан далolat беради. Мазкур йўналишда "орзу лайнер"ларининг эксплуатация қилиниши Нью-Йоркка амалдагидан бир соат олдин етиб бориш имконини беради. "Dreamliner"да Нью-

Йорк шаҳрига бажариладиган узлуksиз парвоз салкам 12 соатни, Тошкентга қайтиш эса 11 соатни ташкил этади.

Ушбу муҳим воқеага миллий авиакомпанияда пухта тайёргарлик кўрилди. "Boeing-787" отряди учувчилари тренажёр тайёргарликни Лондон ва Шанхайда, ер усти машгулотларини Тошкентдаги Ҳуқуқ-машқ марказида ўтати. Авиакомпания мутахассислари томонидан АҚШ ҳудудига кириш-чиқиш талаблари ўрганилди.

Нью-Йоркка тўғридан-тўғри қатновни миллий авиакомпания экипажи – Учувчилар мажмуаси директори ўринбосари Сергей Ким, авиакомпания бош штурмани Станислав Гурфинкель, "Boeing-787" учувчилар отряди командири Асаджон Турсунов, иккинчи учувчилар Рустам Курганов ва Олимжон Узоқов амалга оширди. Тошкентга қайтишда "орзу лайнери"ни самолёт командири Павел Маргачёв, "Boeing-787" учувчилар отряди учувчи-йўриқчиси Алексей Маркин ва иккинчи учувчи Улуғбек Эшмахамадов бошқарди.

Биз мазкур парвозга узоқ вақт тайёргарлик кўрдик, – дейди самолёт командири П.Маргачёв. – Натижада Нью-Йорк – Тошкент рейси муваффақиятли амалга оширилиб, парвоз давомийлиги 11 соат 20 дақиқани ташкил этди.

Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент илк узлуksиз парвози йўловчилар томонидан юқори баҳоляни-



– Сафарга чиқадиган аввал бироз саросимага тушдик. Чунки шу пайтгача бирор марта ҳам Нью-Йоркдан Тошкентга тўғридан-тўғри ўлмаган эдик, – дейди УАА муҳбирига Нигина Набиева. – Аммо миллий авиакомпаниямиз экипаж аъзоларининг юксак маҳорати боис сафаримиз хавфсиз, ишончли ўтди.

– Бу рейсини нафақат биз, балки Атлантика уммонининг ҳар икки томонидagi жуда кўпал одамлар интиқлик билан кутганди, – дейди Одил Остонакулов. – Шундай катта имкониятни яратиб бергани учун мамлакатимиз раҳбарияти, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига катта миннатдорлик билдирмаيم.

Бугунги кунда иккита замонавий "Boeing-787 Dreamliner" самолётини эксплуатация қилаётган миллий авиакомпания парки 2019 йилгача яна тўртта "орзу лайнери" билан тўлдирилиши Ўзбекистон фуқаро авиациясининг жаҳон авиабозорида ишончли ва барқарор авиашувчи мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Б.БОЗОРОВ

Интернет маконида учрайдиган хавф-хатар, таҳдидлар ва таҳликалар ҳақида сўз юритилгани оқибатида, Интернетнинг зарарли ва бузғунчи восита эканлиги ҳақида нотўғри тасаввур уйғониши эҳтимоли мавжуд.

ИНТЕРНЕТ МАДАНИЯТИ ВА
ЁШЛАР

Аслида эса ундай эмас. Интернетда жуда кўп фойдали, маърифий ва қизиқарли ахборотлар мавжуд бўлиб, улардан тўғри ва самарали фойдаланган шахсда турли соҳалар бўйича билими ошиб боради. Ота-оналарнинг вазифаси "виртуал оламнинг" барча ижобий жиҳатлари билан фарзандларини таништириш ва ўргатиб бориш ҳисобланади. Бунинг учун барча ахборотларни ота-оналар, аввало, чўқур текшириши ва бунини фарзандларига ҳам ўргатиши, уларни чинакам улкан илм ва юксак санъат намуналари билан таништириб, уларда миллатимизга мос бўлган қадриятлар тизимини шакллантириши лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, ёш фойдаланувчиларда Интернет-маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай манба ва мазмундаги ахборотни истеъмол қилиш, ўзлаштириш ва узатишни назарда тутди. Интернет-маданият бу Интернет тармоғидаги ижтимоий онга салбий таъсир этувчи, жумладан, амалдаги давлат тузумига қарши қаратилган ноҳилис характердаги, диний-экстремистик, террористик, ҳаёсиз-

лик, шафқатсизлик ва бошқа мазмундаги ахборотлардан фойдаланишнинг онгли равишда чекланилиши демакдир. Интернет-маданиятнинг замирида мулоқотга нисбатан умумқабул қилинган ахлоқий талаблар, шунингдек, ҳар бир инсоннинг бетақдорлиги ва қадр-қимматининг бевосита тан олинishi муҳассам бўлган.

Интернет-маданиятни билмаслик фойдаланувчи томонидан Интернет ва ижтимоий тармоқларда чекланмаган миқдорда мулоқот қилишга, "аноним" фойдаланувчилар билан текширилмаган ва тасдиқланмаган ахборотлар алмашинувиға олиб келиши мумкин. Бундай тенденция фойдаланувчиларнинг Интернет оламида оммалашаётган кибержиноятчилик, кибербуллинг таъсирига тушиб қолишларига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, шуни ҳам таъкидлаш жоизки бу борада болалар билан ишончли муносабат, очик ва самимий мулоқотда бўлиш анча самарали натижалар бериши мумкин.

**Рустам КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи**

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боян ўтган сонда)

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Муносабат", Ток-шоу
08.30 "Объектив нигоҳида",
09.00 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
09.40 "Қорачик".
10.00 "Билимдон". Интеллектуал тавлоу.
10.55 "Ягона оилада".
11.10 "PRESS KLUB".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Эш даргалари".
13.30 "Буюк аждодларимиз".
13.45 Анонс.
14.00 "Тадбиркор даври", Ток-шоу. (Тўридан-тўғри эфир).
16.00 "Ўзингизни анигла", Ток-шоу.
16.40 "Эл тинчлиги йўлида".
17.00 Анонс.
17.10 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
17.50 "Менинг боғим".
18.10 "Парламент ҳаёти".
19.00 "Ахборот" (рус.).
19.35 "Халқ қабулхонасида бир кун", Ўшанбод тумани.
20.15 "Мўжизалар макони".
20.45 "Нафс қўллар".
21.00 "Ахборот".
21.40 "PRESS KLUB".
22.40 – 00.00 "Мухаббат қиссаси". Б/ф.
00.00 "Қорачик".
00.20 Анонс.
00.30 Миллий сериал. "Ҳаёт жилгалари".
01.00 "Ахборот" (рус.).
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Кайнона", Б/ф.
03.45 Анонс.
04.00 "Дунё классикаси".
04.40 Миллий сериал. "Меҳмонжоллардан айланай".
05.10 – 05.55 "Халқ қабулхонасида бир кун".

Ёшлар

Қадрли телемошабинлар!
Рақамли русумидаги теле-

узаттичларда режага мувофиқ профилактика ишлари олиб бориладиган муносабати билан соат 06.00 дан 12.00 гача теледастурларимизни фақат аналог русумли телевизорларда кўриш мумкин бўлади.
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Зебузар", Т/с.
06.50 "Миллат шаъни".
07.00 "Давр".
07.30 "Муйкалам сехри".
08.10 "Қасоскор замин", Т/с.
09.30 "Давр мавзуси".
09.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Давр".
10.10 "Савдои посбон уйлари".
10.55 "ЎзЕХ".
11.40 "Соғлом ҳаёт".
12.00 "Истиқлол шукри".
12.10 "Меҳмонхона сирлари", Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Август", Б/ф. 2-қисм.
14.40 "Қишлоқ тараққиёти".
15.00 "Мўжизавий дунё".
15.50 "ЎзЕХ".
16.00 "Давр".
16.10 "Янги Шерлок Холмс", Т/с.
17.40 "Сехри қўллар".
18.00 "Атлантида", Т/с.
18.50 "Қорт келажиги".
19.10 "Меҳмонхона сирлари", Т/с.
20.00 "Давр".
20.30 "Қаловат қўчаси", Т/с.
21.20 "Танқид ва таҳлил".
21.30 "Асосдаги дўстлик".
22.00 "Давр".
22.30 "Орол қироли", Б/ф.
00.10 "Мўжизавий дунё".
01.00 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним".
Соат 06.00 дан 12.00 га қадар рақамли телеузастичларда режага мувофиқ профилактика ишлари олиб бориладиган муносабати билан "Тошкент" телеканали дастурларини фақат аналог русумидаги телевидение тармоқлари орқали узлуksиз томоша қилишингиз мумкин.

06.00 "Тошкентнома".
06.15 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-спорт".
10.15 "Мухаббат-мангу", Т/с.
10.55 "Халқ билан юзма-юз".
11.15 "Рангли телевизор".
11.55 "Обод хонадон".
12.15 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
13.00 "Пойтахт-Hi-tech".
13.15 "Қафдаги бахт", Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Халқ билан юзма-юз".
17.35 "Қиноктақдим".
18.00 "Ройтахт-Hi-tech".
18.15 "Телеақшам".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Қафдаги бахт", Т/с.
/Премьера/.

ЧОРШАНБА, 2

19.40 "Пойтахт-вазир".
20.00 "Ойиқ мулоқот".
21.00 "Мухаббат-мангу", Т/с.
/Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Давид Коллерфильд".
Х/ф. 2-қисм.
23.00 "Тошкентнома".
00.05 "Ойиқ мулоқот".
01.05 "Мен сизга айтсам".
01.55 "Қўнғил хайратлари".
02.30 "Қиноктақдим".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Қўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Ифтихоримсан, спорт!".
07.00 "Sport-online".
07.30 "Болалар спорт".
08.00 Спорт анималари.
08.10 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.
10.00 "Соғломжон-полвонжон".

10.25 "Шахмат дурдоналари".
11.00 Новости спорта.
11.10 "Соғлом турмуш сари".
11.35 "Машхурлар".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
Соат 06.00 дан 12.00 га қадар рақамли телеузастичларда режага мувофиқ профилактика ишлари олиб бориладиган муносабати билан, "Sport" телеканали дастурларини фақат аналог русумидаги телевидение тармоқлари орқали узлуksиз томоша қилишингиз мумкин.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт анималари.
12.40 Сув спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати.
13.45 "Этирфот".
14.00 Новости спорта.

14.10 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.
15.55 "Автограф судьёи".
16.30 Спорт анималари.
16.35 Тенис. АТР – WTA турнири.
17.55 Қўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спортимиз маликалари".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Шарқона Лото". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.20 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. Ярим финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танлаффусда "Спорт-маркет".
21.30 Спорт анималари.
21.40 "На десерт".
22.20 Сув спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати.
23.25 "Техноспорт".
23.40 "Машхурлар".
00.00 Мадания.
00.05 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.
02.00 Новости спорта.
02.15 "Спорт фидоилари".
02.45 "Sport" теледиоранали архивдан. Футбол. Ўзбекистон – Эстония.
04.40 – 06.00 Тенис. АТР – WTA турнири.

21.45 "Телемаркет".
22.00 "Шиндон по соседству". Х/ф.
23.30 "Пойтахт йўлларида".
00.05 "Мен сизга айтсам".
00.45 "Қўнғил хайратлари".
01.15 "Қиноктақдим".
01.45 "Тошкентнома".
02.00 "Пойтахт-Hi-tech".
02.15 "Химматли дунё".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Қўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Ифтихоримсан, спорт!".
07.00 "Sport-online".
07.30 "Болалар спорт".
08.00 Спорт анималари.
08.10 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.
10.00 "Соғломжон-полвонжон".

ПАЙШАНБА, 3

08.10 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.
10.00 "Спорт сабоқлари".
10.25 "Қоракўллар спорт".
10.45 "Этирфот".
11.00 Новости спорта.
11.35 "Спортимиз маликалари".
11.40 "Техноспорт".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт анималари.
12.40 Сув спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати.
13.45 "Халқ йўллари".
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Ўзбекистон Кубоги. Ярим финал.
15.55 "Ўзбек спортининг зафарли оидмлари".
16.30 Спорт анималари.
16.35 Тенис. АТР – WTA турнири.
17.55 Қўрсатувлар тартиби.
18.00 "Чемпион".
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Едгор".
06.40 Кексалар даврасида.
"Шукрона".
08.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Ҳаёт пилла-поляр".
07.50 "Эктивж формуласи".
08.15 "Тарбиянинг олтин қондаси".
08.40 "Биз қўшим – жон қўшим".
09.00 Миллий сериал. "Бедор туйғул".
09.40 "Мутлола завқи".
10.00 "Меҳригил". Ток-шоу.
10.50 "TV анонс".
10.55 "Конунчиликдаги янгиликлар".
11.15 "Мўжиза Ватан".
11.40 "Қадр топган қадриятлар".
12.10 "Ажабсанда".
12.40 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
13.20 "Халқ билан, юзма-юз".
14.00 "Нобел институт".

02.45 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.
04.40 – 06.00 Тенис. АТР – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 – 12.00 Профилактика.
12.00 "Қўнғилдаги гаплар". Ток-шоу.
12.45 "Мутлола завқи".
13.00 "Аждодлар хазинаси".
13.30 "Бола бошидан".
13.55 "TV анонс".
14.00 "Ешларга иш беринг!" Ток-шоу.
14.50 "Мутлола завқи".
15.00 Миллий сериал. "Ўзи уйланимаган совчи".
15.35 "Етти хазина".
16.00 "Осуда ҳаёт".
16.30 "Меҳнат ҳуқуқи".
17.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
17.35 "Эктивж формуласи".
18.00 "Тарбиянинг олтин қондаси".
18.25 "TV анонс".
18.30 Кексалар даврасида.
"Шукрона".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пилла-поляр".
19.40 "Мехр".
20.00 "Меҳригил". Ток-шоу.
20.50 "Исход".
21.00 "Биз қўшим – жон қўшим".
21.25 "TV анонс".
21.30 "Конунчиликдаги янгиликлар".
22.00 Миллий сериал. "Бедор туйғул".
22.40 "Бизнес ва тараққиёт".
23.00 "Пийда".
Халқ маффаатлари йўлида.
23.45 "Мутлола завқи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Едгор".
00.35 "Мўжиза Ватан".
01.00 "Қадр топган қадриятлар".
01.30 "Ажабсанда".
02.00 "Махалладошлар".
02.30 "Ҳамият ва ҳуқуқ".
03.00 Миллий сериал.
"Ўзи уйланимаган совчи".

03.35 "Қишлоқ кўйидаги бахт".
04.00 "Қариси бор уй".
04.20 "Маҳалла академияси".
05.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
05.35 – 06.00 "Икки йўл орасида".

Болажон

07.00 – 12.00 профилактика.
12.00 "Салом, болажон!"
12.10 "Bravo English!"
12.30 "Мультпанограма".
14.10 "Табиятга сабаҳат".
14.30 "Болалар учун фильм".
15.40 "Кун тартиби".
16.00 "Миттвойлар мусобақаси".
16.10 "Мультпанограма".
18.00 "Сехри қўллар".
18.10 "Топлам болажон".
18.30 "Мультпанограма".
19.30 "Рассом болажон".
20.00 "Электрон дунё".
20.10 "Мультпанограма".
21.00 "Миттвойлар оиласи".
21.30 "Мультпанограма".
21.50 – 22.00 "Хайри тун".

Кинотеатр

06.00 – 12.00 ПРОФИЛАКТИКА!
12.00 "Юрт мадҳи".
12.05 "Бахт – бу". Б/ф.
13.05 "Кундузги сериал". Бизнинг ҳайвонот боғ".
14.10 "Гановвер қўчаси". Б/ф.
15.50 Болалар экран. "Роан-Иши оролининг сир".
17.30 Мирове кино. "После-днее колъ".
19.00 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.05 Миллий кино. "Ўтов".
21.25 Жаҳон киноси. "Сент - Пьерли бева".
23.15 Мўжиза фильм. "Сингилларим".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Доспехи бога". Х/ф.
01.45 "Мушкетёр". Б/ф.
03.20 "Омадсиз ўйинчи". Б/ф.
04.40 – 06.00 "Тақдир ўйини". Б/ф.

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Аёл бардоши". Б/ф.
07.55 Миллий кино. "Ўтов". Б/ф.
09.20 Оилавий экран. "Таътил оролари".
10.50 Жаҳон киноси. "Қойилма-ком ўйини". Б/ф. 1-қисм.
11.55 "Қойилмаком ўйини". Б/ф. 2-қисм.
13.00 Кундузги сериал. "Бизнинг ҳайвонот боғ".
14.05 "Жульеттага мактуб". Б/ф.
15.45 Болалар экран. "Мовий капалар".
17.20 Мирове кино. "Белый Бим черное ухо". Х/ф. Премьера.
18.10 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Абдиёт-чархи".
21.40 "Хафта юлдузи". Даниель Онда.
22.00 Жаҳон киноси. "Фақат сиздан кейин".
23.50 Мўжиза фильм. "Ойи".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Доспехи бога 2". Х/ф.
01.50 "Барон Мюнхгаузен". Б/ф.
03.45 – 06.00 "1492. Ўнги ерининг заёб этилиши". Б/ф.

(Давоми келгуси сонда)

Гиёҳвандлик — иллат

Янги асрда инсониятнинг имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бораётир. Бу яхши, аммо, тетраизда авж олаётган баъзи муаммолар ҳам борки, у сизу биздан ўта хушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади. Гап шундаки, тараққиёт илдамлаб, тиббиёт ривожланиб бораётган бўлса-да, кейинги йилларда айрим хасталиклар туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда. Бундай нохуш ҳолатларга, афсуски, кўп ҳолларда инсоннинг ўзи сабаби бўлаётир. Ана шундай ўта хавфли иллатлардан бири, бу — гиёҳвандликдир.

УМР ЗАВОЛИ

Гиёҳвандлик ва уни кишилар, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида БМТ ҳузурида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши халқаро ҳайъат ташкил этилган. Мазкур ҳайъат томонидан ҳар йили эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, жаҳонда миллият талмасида ушбу иллат билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони вақт ўтган сайн ортиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат фуқароларимизни, хусусан, ёшларимизни жамиятнинг ҳар томонлама қомил, соғлом, кўксак тафаккур ва маънавиятли, ижтимоий фаол қишлари қилиб тарбиялашга қаратилган. Мана шун халқчил сиёсат боси қурбимизнинг бера ҳудудларида гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб боришмоқда.

Хусусан, судининг қора қурусида ўтирган Шерзод Эргашев муқаддам уч марта судланган бўлса-да, ақли қирмаган экан. У тожикистонлик, терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган "Алишер" исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 2012 йилнинг август ойларида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси билан шугулланишни мақсад қилади ва республикамизнинг чегара туманларидан айланма йўллар орқали қиш республикага ўтади. Келишилганидек, у ерда Шерзодни Алишер қутиб олади ва сув тортиш насоси ҳамда темирларни пайвандлаш аппарати ичига гиёҳвандлик моддаларини яшириб, унинг қўлига тутқазади.

Ш.Эргашевнинг вазифаси Алишер берган ушбу гиёҳванд моддаларни Қозғоғистон Республикасига олиб ўтиб бериш эди. Эвазига эса, захри қотиб ағасидан 2 минг АКШ долларини оладиган бўлди. Шу мақсадда Шерзод дастлаб, сув тортиш насоси ичига яширилган героин гиёҳвандлик моддасини айланма йўллар орқали Қозғоғистон Республикасига олиб чиқи кетишга ҳаракат қилади. Бироқ, унинг бу ноқўй ҳаракати амалга ошмайди. Бу кимса ҳуқуқ тартибиди идоралари ҳолимлари томонидан ушланди. Шу тариқа, ажал уруғини тарқатиб, бойлик қиртиришни мақсад қилган Ш.Эргашевнинг қилими ошкор бўлди. Суд унга 12 йил муддатда озодликдан маҳрум қилиш ҳақида жазо тайинлаб ҳукм чиқарди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили юртимизда "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлари" ўтказилади. Шу муносабат билан жойларда мухтаассислар, шифокорлар ва бошқа мутасаддилар иштирокида турли тадбирлар уюштирилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёда "Аср вабоси" дея ном олган гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари кенг тўшутирилмоқда.

Ишон — қонинг гултожи. У бошқа жонотлардан фарқли ўлароқ, онг ва тафаккур, ақл-идроққа эга. Шундай экан, ҳар бир одам ўш саломатлиги йўлида қайғуриши лозим. Тараққиёт чанқалик илдамлашасан, янгида-янги дори-дармонлар қанчалик қўлаймасан, агар инсон ўш саломатлиги устида ўзи қайғурмаса, қўтилган натижага эришиши мушкул. Афсуски, орамизда ана шу ҳақиқатни қўра-била туриб, ўш жонига ҳабор қўйлаётганлар ҳам ўзар тўради. Ана шундай беморлардан бири Маъруф (исми ўзгартирилди) исмли йигит. У не таассуфки, ушбу бало-қазога йўлқили. У ёшлиқнинг бебош қўчаларида адашиб, эндиликда даволанётганлардан бири.

Мақтабни битириш арафасида чекишни яхши "ўзлаштириб" олгандим. Ўша йили кўп синфдошларим қўшига қиришди. — дейди Маъруф. — Биз — тўрт-бешта "ақиллар" эса ўш "ишмиз"ни давом эттирдик. Чекишдан ташқари ўтирлик ҳам қилардик. Отам эса менинг бу қилиқларимни эшитиб, зора босилиб қолса, деган умидда уйлантириб қўйди. Бошда қўйлаётган ишларимдан чалғиғандай ҳам бўлдим. Келинга меҳрим тушди. У чекишдан ҳабор топган, "Чекиманг, умрингизга зиён, қолаверса, болаларимиз ногирон бўлиб қолиши мумкин", дея зорларнади. Унинг бу гапидан сўнг чекишни ташлашга қатъий қарор қилдим. Аммо иродам етмади.

... Энг даҳшатлиси, қўларнинг бирида яна қайфда ўтирсан, кимдир келиб, мента: "Қанчогача шундай қилсан, эл олдиди юзим қаро бўлди-ку?" дея ўшқира кетди. Бу гаплар менинг қонимни қайнатди. Уримдан туриб ўша одамни руса телдим, ҳолсизланиб қолганимдан кейин тош билан ҳам урдим. Элас-элас эсламан, атрофда одам кўп эди. Эртасига — ҳушим ўзимга келгандан кейин қимни ургамини билиб, ўзимни лавнатладим. Қўни ҳамма қилиқларимга чидаган, ҳатто, бир марта бўлса ҳам қаттиқ гапирмаган отамни урибман. Отам бечора оғир ахволда касалхонага тушибди. Эл оғзига элак тутиб бўлмасди — фарзандим ва отамнинг касалхонада эканлигини, бунга эса мен сабаби эканлигини гапиртирдим. Бундай исноддан бош қўтаролмай қолдим. Охири қатъий аҳд қилиб мана шу ерга келдим. Даволашнинг бошларимга тўрт ой бўлди. Сал ўзига келдим. Қилган қилиқларимни эсласам, минг-минг қўшаймонлар бўлсам. Йўқ бўлиш мумкин эмас, дейман. Аммо ҳаммаси ҳақиқат.

Маъруфнинг афсус-надоматларини эшитиб ҳулоса қилдиган бўлсак, бу йигитнинг ҳаёти бошқаларни — унинг тенгдошларини, умуман, ҳамма-хаммани ҳушёрликка чақиритишни истардик. Бинобарин, ҳар бир фарзанд биз учун азиз. Унинг тақдирига масъуллик билан муносабатда бўлиш, авваламбор, ота-онанинг, сўнг маҳалла-қўйнинг, кенг жамоатчилиқнинг бурчи. Сир эмаски, барча иллат локайдликдан келиб чиқади, бепарволикдан урилади.

Фарход АЛИЕВ,
Яшнобод туман Фарқат урғувчи
терговчиси лавозимида иш ўрганувчи



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 1 август кўни ҳаво ўзгаришлари, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан селқунда 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 24-26, кундузи —

39-41 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 августда Тошкент

шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТОШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент давлат аграр университети томонидан 1999 йилда Шамиль Дилшод Шоҳралиев номига берилган В № 008980-сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк қадастри” давлат қоронаси томонидан Яшнобод тумани, Латофат 4-тор кўчаси, 35-уйда яшовчи Аҳмеджанов Тура Нигматович номига берилган қадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусxada босилди.
Қўғоз Бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақиланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-735

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30